

Қўшничиликка оид ўнта насиҳат

05:00 / 04.03.2017 3392

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Аллоҳ таолога ҳамду санолар ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламга саловатлар бўлсин.

Қўшничилик ҳақлари ва қўшничиликни яхши адо этиш Ислом дини даъват қилган энг улуғ ахлоқлардан ҳисобланади. Жумладан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаламдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай дейилади:

«هراج مەريخ ه ل ل دن ع ناري ج ل ر ي خ و ،ه ب ح اصل مەريخ ه ل ل دن ع ن ب ا ح ص أ ل ر ي خ»

“Аллоҳ ҳузурида дўстларнинг яхшиси ўз дўстига яхши бўлганлардир. Аллоҳ ҳузурида қўшнилари яхшиси ўз қўшнисига яхши бўлганлардир”. (Аҳмад ва Термизий ривояти).

Аслида қўшнининг қалбини забт этиш, у билан яхши муомалада бўлиш ва уни муҳаббатини қозонишнинг бир қанча йўллари мавжуд.

Бугунги кунда биз қўшнилари орасида хусумат ва баъзи пайтларда ўзаро душманлик пайдо бўлаётганини кўриб турибмиз. Бунинг сабаби, улар қўшничилик одобларига риоя қилмаяптилар. Улар агар мазкур обод ва ахлоқларга қаттиқ риоя қилсалар, қўшничилик ришталари янада мустаҳкамланади, улар орасида ўзаро муҳаббат ва эҳтиром пайдо бўлади. Ушбу мақсадларга эришишнинг қуйидаги воситалари мавжуд:

1- Азият етказишни тўхтатиш ва бағрикенг бўлиш.

Қўшнилари азият бериш энг номақбул ишлардан ва гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Жумладан, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«هراج ذؤي الف رخ آ ل موي ل او ه ل ل اب ن مؤي ن اك ن م»

- Уни ёмон аҳволга солиб қўйиш ва унинг ҳақларига риоя қилмаслик. Масалан: машинангизни қўшнингиз уйининг эшиги олдида қўйиб кетиш, уйингиздан чиққан ахлат идишларни унинг ховлисининг олдида қўйиш, уйингиздан чиқаётган иялос сувларни қўшнингизнинг ховлиси томон қаратиб қўйиш, қўшнингизнинг ховлиси кўриниб турадиган даражада уйингиздан дераза очиб қўйишингиз, қўшнингиз ухлаётган ёки дам олаётган пайтда болаларингизни шовқин-сурон кўтариб унга халақит беришлари, бирорта қўшиқ ёки мусиқани баланд овозда қўйиб, қўшнингиз халоватини бузишингиз, болаларингиз қўшнингизнинг болаларини уриб, ҳақорат қилиб, уларга азият беришлари каби кўринишлардаги азият ва зарарлардир. (Муҳаммад ал-Ҳамаднинг “Ат-тақсийр фий ҳуқууқи ал-жаар” китобидан)

Аммо бағрикенг бўлиш эса, у саховатли ва карамли бўлишдир. Карамли бўлиш – одамлар ўйлагандек мол дунёда саховатли бўлишгина эмас, балки муомала, сабр-тоқат, мол-дунё ва илмда саховатли бўлишдир. (Ибн Усайминнинг “Макарим ал-Ахлоқ” китоби, 25-бет).

Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«هراج مړكېلېف رخآل مويلاو ه ل ل اب ن م ؤي ن ا ك ن م»

“Ким Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймон келтирган бўлса, бас, ўз қўшнисини ҳурмат қилсин (қўшнисига карамли бўлсин)”. (Муттафақун алайҳи). Муслим ривоятида эса:

«هراج ل ل ن س ح ي ل ف»

“бас, ўз қўшнисига яхшилик қилсин” дейилган.

Қўшнига карамли бўлиш ва унга яхшилик қилиш унга ҳадялар беришдир. Жумладан, Оиша (р.а.)дан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади:

ام ؤي ل ل ف ، ن ي ر ا ج ي ل ن ! ل ل ل ل و س ر ا ي : ت ل ا ق - ا ه ن ع ل ل ل ا ي ض ر - ة ش ئ ا ع ن ع
«أباب ك ن م ا م ه ب ر ق ا ل ل ا : ل ا ق ؟ ي د ه ا»

“Оиша (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в)га дедилар: “Ё Расулulloҳ, менинг иккита қўшим бор. Уларнинг қайси бирига ҳадя берай?”. Шунда Расулаulloҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам дедилар: “Эшиги сенга энг яқинига” дедилар. (Бухорий ривояти)

Қўшнига икром қилиш деганда унга бирорта эҳтиёж пайтида у билан ҳамкорлик қилиш, агар унга иборор нарса керак бўлса, бериб туришлик,

унинг ҳолидан хабар олиб туриш, қўшнининг ўзи билан ҳам, унинг фарзандлари билан ҳам хушмуомалалик билан сўзлашишдек ахлоққа оид ижтимоий одоблар киради. Буларнинг ҳаммаси қўшнилар ўртасида муҳаббат ва ўзаро самимиятни уйғотади.

2-Салом билан бошлаш

Ҳар бир ишни салом билан бошлаш тавозеълик ва мўминлик аломатларидандир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди:

{نَيْنْمُؤْمِلَلِكْحَانَجْضْفْحْاوَ}

“Мўминларга қанотингни пастлат!” (Ҳижр сураси, 88 оят)

Салом бериш қалбларда муҳаббат уруғини ундиради. Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«مكْنِيب مَالس ل اوش ف أ، م ت ب ب ا ح ت ه و م ت ل ع ف ا ذ ا ء ي ش ل ع م ك ل د ا ل و ا ...»

“Сизларга бир нарсани далолат қилайми? Агар уни билсангиз сизларни ўзаро муҳаббатли қилиб қўйяди. Ўзаро ораларингизда саломни очиқ беринглар” (Муслим ривояти)

Ибн Ҳиббон шундай деганлар: “Ақлли одам омманинг олдида саломни очиқ бериши керак. Чунки агар ким одамларга салом берса, қул озод қилганга ўхшайди. Салом бериш манманликни ва кўролмасликни кетказади. Одамдаги нафратланиш ва кўролмасликни кетказади. Ҳижронни кесади ва ўзаро биродарликни мусаффолаштиради”.

Саломни биринчи берадиган инсон иккита ҳасанотда бўлади:

Биринчиси- Аллоҳнинг ҳузурида салом бераётган инсоннинг даражаси алик олаётганнинг даражасидан бир даража устун бўлади. Салом берган инсонгина Аллоҳнинг ҳузурида эсланади. Агар саломига ҳеч ким алик олмаса, малоикалар алик оладилар. (“Равзатул уқало” китоби 120-бет)

Саломни очиқ бериш суннати муаккададир. У мусулмоннинг мусулмон олдидаги ҳаққидандир. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

اذإو، هبجأف كاعد اذإو، هيلع ملسف هتيقل اذإ: تس ملسملا ىلع ملسملا قح»
تام اذإو، هذعف ضررم اذإو، هتشمش ف هللا دمحف س طع اذإو، هل حصناف ك حصنننسا
هعبتاف»

“Мусулмоннинг мусулмон олдида олтита ҳаққи бор: агар учратиб қолсанг,
унга салом бер!; агар чақирса, унга жавоб бер!; агар сенга насиҳат қилса,
насиҳатга амал қил! агар аксирса ва аллоҳга ҳамд этса, унга
“ярҳамукаллоҳ” дегин! агар касал бўлиб қолса, бориб кўр! агар вафот этса,
унинг орқасидан юр!” (Муслим ривояти)

Энг бахил инсон- салом беришда бахиллик қилган инсондир. Абу
Ҳурайрадан ривоят қилинган навбатдаги ҳадиси шарифда Расулуллоҳ
саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«مالس ل اب لخب نم سان لا لخب ان»

“Албатта, инсонларнинг энг бахили салом беришда бахиллик қилганидир”.
(Ибн Ҳиббон ривояти)

Шунингдек саломни очиқ бериш жаннатга киришнинг сабабларидандир.
Жумладан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«لي ل اب اولص و، ماحرأل ا اولص و، ماع ط لا اومع طأ و، مالس لا اوش فا! سان لا اهي أي و
«مالس بة نجل اول خدت، م اي ن سان لا و»

“Эй инсонлар! Саломни очиқ беринглар, таомни едиринглир, силаи раҳмни
боғланглар, одамлар ухлаётган пайтида намоз ўқинглар, (шундагина)
жаннатга саломатлик билан кирасизлар” (Термизий ривояти)

- Эй азиз биродарим! Қўшнингизга саломингизни ўйламай беринг.
Шундагина унинг қалбида муҳаббатни уйғотасиз.

- салом беришда бахиллик қилманг. Инсонлар сизни кибрили ва мағрур деб
сифатлаб қўймасинлар.

3- Ҳурсандчилик, табассум қилиш

4- Қийинчилик пайтида таъзия билдириш

“Ҳақиқий дўст кулфатда билинади” – деб бежиз айтилмаган. Дўстликнинг ўзига яраша ҳақлари ҳам бор. Қўшничиликни ҳам ҳақлари бор. Қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун айрилиқ, жаноза, касаллик етган пайтда қўшнисидан хабар олиб, унга таъзия, сабр-тоқат ва матонат тилаш лозимдир. Жумладан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«نَاكَ اِمَّ اَوْعَمَجَّةَ نِي دَمَلَابْ مَهَلْ اِيْعُ مَاعَطْلَقْ وَاَوْعَلْ اِيْفِ اَوْلَمَرَا اِذْ اِنِّي رَعَشْ اَلْ اِنَّا اِنَّا اَوْ اَيْنَمُ مَهْفُءٌ اَيَّوَسْ لَابِ اِيْحْ اَوْ اِنَّا اِيْفِ مَهْفُءٌ اَيْبُ هُوْمَسَنْتَقَا مَثْ اِيْحْ اَوْ بَوَثْ اِيْفِ مَهْفُءٌ عَمُءٌ».

«Албатта, ашъарийлар ғазотда емаклари оз қолса ёки Мадинада аҳли аёлларининг таоми озайиб қолса, олдиларида қолган нарсани бир кийимга жамлайдилар. Сўнгра уни бир идишда ўзаро тенг қилиб тақсимлайдилар. Бас, улар мендан. Мен уларданман».

Мана шундай инсоний ахлоқлар айнан ислом дини вакиллари томонидан амалга оширилган.

Кўпчилик қўшнилари ўз қўшниси ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар. Балки қўшнилариининг кийишга кийимлари ва ейишга бирорта таомлари йўқдир. Лекин қўшнилари буни билмайдилар.

Сиз қўшнингиз оғир аҳволга тушиб қолганида ёки муҳтож бўлиб қолганида унинг аҳволидан хабар олмасангиз, унинг қалбига йўл топа олмайсиз.

Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«مَعَطَاتُ وَا، اِنِّي دِهْنِ عِيضِقَتِ وَا، اَرُورَسْ نِمُؤْمَلَا كِيْخَا اِيْلَعْ لَخْدُتْ نَأْ لَامَعَالَا لِيضْفَا»
«أزْبَخْ»

“Амалларнинг энг афзали- сен биродарингга бирор хурсандчилик улашинг ёки унинг қарзини тўлашинг ёки уни нон билан овқатлантиришингдир”. (Ибн Абуддунё ривояти)

5- Шахсий эҳтиром

Қўшниллар ўртасидаги ёмон муносабатлар қўшнилларнинг ўзаро шахсий ишларига араллишишларидан келиб чиқади. Демак, улар ўртасидаги шахсий саволлар қуйидагилар: Ойлигингиз неча пул? Бир ойда қанча сарфлайсиз? Банкдаги ҳисоб рақамингизда қанча пул бор? Сизнинг битта ҳисоб рақамингиз борми ёки бир қанчами?

Баъзи одамлар ўз хотини ёки ўғлини қўшнилларнинг олдига уларнинг аҳволи ва ишларида қандай янгилик бўлаётганини билиб келишлари учун жўнатадилар.

Мусулмон киши мард ва жасур бўлиши керак. Унга тегишли бўлмаган ишларга араллишиши яхши эмас. Инсонларнинг шахсий ишлари ва ички ишлари ҳақида сўрамайди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди:

هُنَّ عَنَّا كَيْلٌ وَأُولَٰئِكَ دَاؤُفٌ لَّوْا وَرَصَبٌ لَّوْا وَعَمَّ سُلَّانٌ إِنَّمَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْفَٰسِقِينَ ﴿١٠٠﴾

“Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил — ана ўшалар, масъулдирлар.” (Исро сураси, 36-оят)

Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам дейдилар:

«هَيِّنْ عَيْ آلِ امُّهُ كَرْتِ عَرْمَلِ مَالِ سِإِ نَسْحِ نَم»

“Кишининг исломининг яхшиси ўзига тегишли бўлмаган ишга аралашмаслигидир”. (Термизий ривояти)

Агар қўшниллар билан яхши муносабатда бўлишни истасангиз, ўзингизга тегишли бўлмаган ишларга аралашманг. Уларнинг шахсий ишларини суриштирманг.

6- Узрларни қабул қилиш

Қўшничиликнинг ҳақларини адо этишнинг йўлларида бири бу рухсат сўраш, мулойим гапириш ва яхшилик қилишдир. Хусусан, агар қўшниллар хато иш қилиб, узр сўрасалар, уларнинг узрларини қабул қилиш дуруст ишдир. Ҳар бир одам боласи хато қилади. Ҳар бир ақлли инсон, агар олдига узр сўраб келсалар, уларнинг узрини қабул қилиши, ўтган ишни унутиши ва ўша инсонни ҳудди хато қилмагандек ҳис қилдириши энг гўзал

ишлардандир.

Энг афзали эса, ўша инсонни узр сўрашини кутиб турмасликдир. Агар узр сўрашга келаётган бўлса, уни бу қийин ҳолатдан чиқариб юборишингиз унинг қалбида сизга нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотади.

Ибн ал-Қайм (раҳматуллоҳи алайҳ) деди: “Сен узр сўраб келган инсоннинг узрини қабул қилишинг шарт. Агар сенга бирорта инсон ёмонлик қилган бўлса ва у ўша ёмонлигидан сендан узр сўраса, унинг узри ҳақиқийми ёки қалбкими, сен узрни қабул қилишинг шарт. Унинг қалби ва ичидаги ниятини Аллоҳга топширгин. Бундай ишни Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам бир ғазотта уларга хиёнат қилган мунофиқларга нисбатан қилганлар. Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам қайтиб келганларида улар олдиларига келиб узр сўраганлар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам уларнинг узр ва кечиримларини қабул қилганлар ва уларнинг қалби ва ичларидаги ниятларини Аллоҳга топширганлар”.

Карамлик ва тавозеъликнинг аломати шуки, агар сиз унинг узрида бирор айбни сезсангиз, уни узр сўрашидан тўхтанманг ва айбини унга исбот қилишга уринманг. Унга: “Ҳа, иш балки сиз айтаётгандек бўлгандир. Бўлган иш бўлиб ўтди. Хижолат қилманг”га ўхшаш гапларни айтинг.

7-Ёрдам бериш ва мулойимлик насиҳати

Оқил инсонлар насиҳатни инкор этмайдилар. Насиҳат қилувчини ҳам ёмон кўрмайдилар. Балки кўпчилик инсонлар қаттиқлик ва қўполликни қабул қилмайдилар. Уларни қаттиқлик ва қўполлик билан хатоларидан қайтармоқчи бўлсангиз, дархол сизни ёмон кўриб қоладилар. Аллоҳ таоло Набийимиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламни Қуръони каримда шундай деб мадҳ қилган:

{كَلِمَاتٍ مِّنْ أَوْصَافِنَا الَّذِي لَقِيَ أَطْفَالَ النَّكْلِ وَالْوَمْلَةَ لَلْأَمِّ حَرَامًا بَفِ}

“Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар.” (Оли Имрон сураси, 159 оят)

Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам деганлар:

«هك رمألآ يف قفرلآ بحى قىفر هللآ نإ»

“Албатта, Аллоҳ таоло Рафиқдир (меҳрибон ва мулойим). У ҳар бир ишда мулойимликни бўлишини яхши кўради” (Муттафақун алайҳи)

Мусулмон киши ўз қўшнисини ёмон-гуноҳ иш қилаётган пайтида, маъсият иш қилаётган пайтида уни холи ташлаб кетиши яхши эмас. Агар бундай қилса, демак, ўша мусулмон кишининг қўшнисига муҳаббати йўқлигига далолатдир. Ҳар бир мусулмон киши мулойим ва меҳрибон бўлиши талаб қилинади. Ўша қўшнисининг қўлидан тутиб, унга яхши амалларни баён қилиб, унга рағбат бериши ва ёмон амалларни баён қилиб, уни огоҳлантириши керак. Буларнинг ҳаммаси қўшничилик ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ислоҳ қилиш йўллари дир.

8-Беркитиш ва жаҳлини чиқаришни тарк этиш

Қўшнилар ўртасидаги ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаш воситалари шуки, қўшни қўшнининг пардаси бўлиши керак. Унга насиҳат қилиши ва уни ҳақорат қилмаслиги, унинг сирларини ошкор қилмай сир тутиш, қўшниси хато қилганида ўзи ҳам ғамгин бўлиши қўшничиликнинг ришталаридандир. Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«رَحْمَةُ اللَّهِ وَآيَاتُ اللَّهِ فِي هَلْ لَ هَ رَتَسْ أَمْلَسْ م رَتَسْ نَمُو»

“Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ таоло унинг айбини дунёю охирада беркитади”. (Муслим ривояти)

Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«رَتَسْ لَ أَوْءَ إِحْلَ بَحَى، رِيَّتَسْ يَحَى مِي لَح لَج وَ زَع هَلْ لَ نِإ»

“Аллоҳ таоло азза ва жалла Мулойим, Тирик ва Беркитувчидир. У ҳаё ва беркитишни яхши кўради” (Насайй ва Абу Довуд ривояти)

Мусулмон содиқ киши ўз биродарига фақат яхшиликни тилайди. Уларнинг хатолари ва айбларини беркитади, ўзаро келишувни бузмайди, уларга яхшилик ва тўғри йўлни тилайди. Ўзи яхши кўрган нарсасини қўшниларига улашади. Ўзи ёмон кўрган нарсасини қўшниларига раво кўрмайди. Шунинг учун у хатоларини беркитади. Камчиликларини камайтиради.

қўшниллар ўртасида иштиёқни оширади. Шундагина қўшниллар уларни зиёрат қилмоқчи бўлган қўшнилларни очиқ кўнгил ва хурсандчилик билан кутиб оладилар ва кўнгилларидагини очиқ айтадилар.

10- Чиройли муомала қилиш.

Қўшниллар қўшнилларни чиройли иборалар билан мақташи ва муомала қилишлари ҳамда чиройли ҳадялар бериш, бирор овқатга чақириш ёки шу каби муомалаларни қилиш савобли амаллардандир. Бу эса, қўшниллар ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланишига олиб келади.

Чиройли сўзларни айтиш бўйича Қуръони каримда шундай ояти карималар келган:

{يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا بَعَثْتُمْ إِلَيْكُمْ قَدَحًا مِّن مَّن رِّزْقِ اللَّهِ فَرَفَعْتُمُوهُ فَاُفٍّ لَّكُمْ لَوْ وَق}

“Яхши сўз ва кечирини, ортидан озор келадиган садақадан кўра яхшироқдир.” (Бақара сураси, 263 оят)

Ҳадя бериш бўйича Набий саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар:

«اوباحت اوداهات»

“Ўзаро ҳадя улашинглар, ўзаро муҳаббатли бўласизлар” (Бухорий “ал-Адаб ал-Муфрадда ривоят қилган)

Таомга чақириш бўйича ҳадисни салом бериш бандида келтириб ўтдик.

Демак, юқорида кўрсатиб ўтилган қўшничиликка оид ўнта насиҳатлар динимиз буюрган амаллардандир. Уларнинг ҳар бирига қўлдан келганича амал қилиш ва қўшничилик ҳақларига риоя этиш ҳақиқий мусулмоннинг амалларидан ҳисобланади.

Абу Юсуф тайёрлади